ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЯЗОВА ЗАРИНА КУДРАТИЛЛОЕВНА

ПАРАБОЛИК ТИПДАГИ ТЕНГЛАМАЛАР БИЛАН БОҒЛАНГАН ЖАРАЁНЛАРНИ ЧЕГАРАВИЙ БОШҚАРИШ

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

УДК: 517.977

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЯЗОВА ЗАРИНА КУДРАТИЛЛОЕВНА

ПАРАБОЛИК ТИПДАГИ ТЕНГЛАМАЛАР БИЛАН БОҒЛАНГАН ЖАРАЁНЛАРНИ ЧЕГАРАВИЙ БОШҚАРИШ.

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2018.3.PhD/FM274 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http:ik-fizmat.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Академик Алимов Шавкат Арифджанович** физика-математика фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	**Дурдиев Дурдимурод Қаландарович,** физика-математика фанлари доктори профессор, (БухДУ) **Хасанов Акназар Бектурдиевич ,** физика-математика фанлари доктори профессор (СамДУ)
Етакчи ташкилот:	**ЎзР ФА В.И.Романовский номидаги Математика институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «_ _»___________ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4- уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _______________куни тарқатилди.
(2020 йил «____» ___________ даги ______ рақамли реестр баённомаси

А. С. Садуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, академик

Н.К.Мамадалиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, PhD

А.А. Азамов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси ўринбосари, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда математик физика тенгламалари билан тавсифланадиган тизимларни бошқариш назариясини ўрганишга бағишланган. Илмий амалий тадқиқотлар турли тизимларни бошқариш вазифаларига келтирилиши мумкин. Физика ва техниканинг баъзи муаммоларининг математик моделлари қуйидагича: параметрнинг маълум қийматларини олиш учун жараённи бошқариш. Бунга мисол иссиқлик тарқалиши ёки тўлқин тарқалиши жараёнларини бошқариш ҳисобланади. Тўлқин тарқалиши жараёнлари ҳолатида, соҳанинг маълум бир қисмида маълум бир тўлқин шаклига эришиш учун соҳа чегарасининг бир қисмидаги тўлқинлар параметрини назорат қилиш керак. Иссиқлик тарқалиши жараёнларида эса соҳанинг маълум бир қисмида ўртача ҳароратга эришиш учун соҳа чегарасида ҳарорат ўзгаришини бошқариш креак. Шунинг учун чегаравий бошқарув масалалари ҳам назарий, ҳам тадбиқий жиҳатдан аҳамиятли ва замонавий математиканинг долзарб йўналишларидан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда жаҳонда чегаравий бошқариш масалалари математик физиканинг долзарб муаммоларидан бири ҳосибланади. Чегаравий муаммоларни ўрганиш математик физиканинг тескари ва нокоррект қўйилган муаммолари билан чамбарчас боғлиқ, шунинг учун улар Фредгольм ёки Вольтерра интеграл тенгламаларини ўрганишга келтирилади (одатда биринчи тур Вольтерра тенгламаси). Сўнги пайтларда иссиқлик ўзатиш жараёнларини бошқариш жадал ривожланмоқда, чунки улар қўллаш вазифалари билан чамбарчас боғлиқдир, шунинг учун иссиқлик узатиш жараёнларини бошқаришнинг чегаравий муаммоларини ўрганиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий тадбиқига эга бўлган математик физика ва оптимал бошқарувнинг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, оптимал бошқарув ва ўйинлар назарияси масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Оддий дифференциал тенгламалар ва уларнинг системалари, хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар ва уларнинг системалари орқали тавсифланадиган жараёнларни бошқариш назариясига оид салмоқли натижаларга эришилди. “Функционал анализ, дифференциал тенглама ва математик физика математика фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари” этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда дифференциал тенгламалар ва математик физика масалаларини ечишда чегаравий масалаларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 292-сонли қарори.

ЎзР Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги № ПҚ-3682 “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2019 йил 9 июлдаги № ПҚ-4387 “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш, шунингдек, ЎзР ФА В.И. Романовский номидаги математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йуналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот ЎзР фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилди IV. "Математика, механика, информатика"

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Бошқарув муаммоларининг математик назарияси ўтган асрнинг ўрталарида тез ривожлана бошлади. Фанга "бошқариш"(управления) атамаси Л. С. Понтрягин томонидан киритилган. Оддий дифференциал тенгламалар ва уларнинг системалари учун бошқарув муаммоларининг математик назариясига Л. С. Понтрягин, В. Г. Болтянский, Р. В. Гамкрелидзе, Э. Ф. Мищенко, Р. Беллманлар ишларида асос солинган. Оддий дифференциал тенгламалар ва уларнинг системалари учун бошқарув масалаларининг математик назарияси асоси Н. Н. Красовский, Н. Ю Сатимов, А. Азамов, А. Б. Куржанский, Ф. П. Васильев, И. В. Гайшун, Л. Янг ва бошқалар томонидан ривожлантирилган.

Бошқариш назариясининг яна бир йуналиши хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар билан тавсифланган жараёнлар билан боғлиқ. Бундай тенгламалар учун бошқариш муаммолари J.-L. Lions, K.A. Lur’e, V. Barbu, H. O. Fattorini, В. А. Ильин ва Е. И. Моисеев, А. Ш. Алимов, А. Г. Бутковский, А. И. Егоров, М. И. Белишев, Ю. С. Рожков, Ю. Е. Аниконов, А. В. Боровских, Л. Н. Знаменской, А. В. Фурсиков каби математикларнинг тадқиқот мавзуси бўлган. А. В. Фурсиковнинг монографиясида тақсимланган системалар учун оптимал бошқарув ўрганилган. Бошқа ишлардан фарқи шундаки, бошқариш муаммолари математик -физика тенгламаларига нокоррект қуйилган муаммолар учун ҳам олиб борилган.

Диссертациянинг мавзусига яқин тадқиқотлар, яъни гиперболик типдаги тенгламалар ва уларнинг системалари орқали берилган жараёнларни чегаравий назорат қилиш муаммолари В. А. Ильин, Е. И. Моисеевлар ишларида ўз ечимларини топган. Y. Luo, I. Lasieska, R. Triggiani, V. Barbu, V. Rascanu, H. O. Fattorini, P. Cannarsa, P. Martinez, Vancostenoble ва бошқалар ишларида параболик ва гиперболик тенгламалар учун турли хил чекловлар остида бошқарув муаммолари ўрганилади. S. Albiero ва Ш. А. Алимов ишларида вақт оптималлиги нуқтаи назаридан параболик тенгламалар учун чегаравий бошқариш ўрганилган.

Оддий дифференциал тенгламалар ва уларнинг системаларини оптимал бошқариш муаммолари Н. Сатимов, А. Азамов, М. Тўхтасинов, Б. Рихсиев, О. Кучкаров, М. Маматов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Псевдо параболик тенгламалар билан боғлиқ бўлган чегара масалалари турли хил оптималлик шароитларида кўплаб муаллифлар томонидан ўрганилган, шу жумладан L. W. White, С. И. Ляшко, B. D. Coleman, R. J. Duffin, V. J. Mizel, А. И. Кожанов, С. Г. Пятков, И. Егоров ва бошқалар.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий-тадқитқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти М. Улуғбек номидаги ЎЗМУ ОТ-Ф-4(36+32)-сонли “Математик физика ва оптимал бошқарув масалаларини ечишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш. Тоқ тартибли хусусий ҳосилали тенгламалар учун ноклассик бошланғич, спектрал масалалар ва уларнинг тадбиқлари” мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади параболик ва псевдо параболик тенгламалар учун соҳа чегарасида Дирихле ва Нейман шартларини қаноатлантирувчи чегаравий бошқариш масалаларини интеграл кўринишдаги шартлар остида ечиш.

Тадқиқот вазифалари:

параболик ва псевдо параболик тенгламалар учун соҳа чегарасида Дирихле ва Нейман шартлари берилганда масалалар ечимини мавжудлиги ва ягоналигини исботлаш;

бир жинсли чегараланган стерженда ёки пластинада иссиқлик алмашинуви жараёнини (ҳарорат ёки оқимни) бошқариш регулятори стерженнинг чап чегарасида жойлашган, стерженнинг маълум бир қисмида эса чеклов ҳароратнинг ўртача қиймати сифатида берилганда иссиқлик алмашинуви жараёни учун чегаравий бошқариш масаласини ечиш;

чегараланган соҳада (бир ёки икки ўлчовли) псевдо параболик тенглама билан ифодаланидиган жараён учун чегаравий бошқариш масаласи ечимининг мавжудлигини исботлаш, бу ерда ечим қиймати соҳа чегарасининг бир бўлагида берилиб (регулятор жойлашган жой), қўшимча шарт эса соҳанинг бир қисми бўйича ечимдан олинган интеграл сифатида берилади;

чегараланган (бир ёки икки ўлчовли) соҳа чегарасининг бир қисмида ечимни нормал бўйича ҳосиласи берилганда псевдо параболик тенглама билан ифодаланидиган жараён учун бошқарув масаласи ечимининг мавжудлигини исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти – соҳа чегарасида Дирихле ва Нейман шартлари билан параболик ва псевдо параболик тенгламалар, биринчи ва иккинчи турдаги Вольтерра интеграл тенгламалари.

Тадқиқотнинг предмети - параболик ва псевдо параболик тенгламалар учун интеграл шаклдаги қўшимча шартлар билан чегаравий бошқариш масалалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда математик-физиканинг замонавий усуллари, шу жумладан Фурье қаторлари назарияси, Лаплас алмаштриши, интеграл тенгламалар усуллари қўлланилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Дирихле шартларини қаноатлантирувчи иссиқлик алмашинув жараёнини (чегараланган бир ўлчовли стерженда) чегаравий бошқариш масаласининг интеграл шаклидаги шарт остида ечимининг мажудлиги исботланган;

икки ўлчовли соҳада (икки ўлчовли пластинка) Дирихле шартларини қаноатлантирувчи иссиқлик алмашинув жараёнини чегаравий бошқариш масаласининг бошқарув параметри мавжудлиги исботланган;

стерженнинг чап томонида иссиқлик оқими бўлган ҳолда иссиқлик алмашинув жараёнини чегаравий бошқариш масаласининг интеграл шарт остида ечими мавжудлиги исботланган ;

Дирихле (Нейман) шартини соҳа (бир ва икки ўлчовли соҳа) чегарасида қаноатлантирадиган псевдо параболик тенглама билан бериладиган жараённи чегаравий бошқариш масаласи ечимининг мавжудлиги ҳақидаги теорема исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари параболик ва псевдо параболик тенгламалар билан ифодаланадиган жараёнларни чегаравий бошқариш масалаларини тадқиқ этиш натижалари математик физика ва оптимал бошқарув масалаларига мос келадиган турли моделлар ечимларини мавжудлигини аниқлашда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги- математик таҳлил ва математик-физиканинг замонавий усулларидан фойдаланган ҳолда математик исботлар ва исботларнинг қатъийлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти бир ўлчовли ва икки ўлчовли соҳалар учун Дирихле ва Нейман шартлари остида параболик ва псевдо параболик тенгламалар билан ифодаланадиган жараёнларни чегаравий бошқариш муаммоларининг ечимлари мавжудлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти - амалий масалалар моделини диссертацияда ўрганилаётган математик моделлар кўринишида тасвирлаш мумкинлиги. Амалиёт муаммосини энг оддий намунаси сифатида ўрганилаётган ҳудуднинг чегарасида жойлашган регулятор билан иссиқлик ўзатиш жараёнини моделлаштиришдир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

Диссертациядаги параболик типдаги тенгламалар билан ифодаланадиган чегаравий бошқарув масалаларининг ечимлари мавжудлиги ҳақидаги теоремалар асосида:

псевдо параболик, псевдо гиперболик ва бошқа ноклассик дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалалар ечилиши тадқиқ этилиб, ечимларининг хоссалари ўрганилган ва «Ноклассик дифференциал ва операторли-дифференциал тангламалар учун чегаравий ва тескари масалалар» лойиҳасида фойдаланилган. (Россиянинг фундаментал тадқиқотлар фонди лойиҳаси № 18-51-41009). (маълумотнома № 250-2-35 20 феврал 2020 йил С. Л. Соболев номидаги МИ РФА СБ). Ноклассик тенгламалар ечимларининг хоссалари ҳақида қатор янги натижалар олиш имконини берган.

Параболик ва псевдо параболик тенгламалар учун Дирихле (Нейман) масалалари ечимларининг мавжудлиги ва ягоналиги ҳақидаги натижалар асосидаги тавсиялар:

ЎзМУ нинг 5130200 - Амалий математика ва информатика таълим йўналишининг "Ўйинлар назарияси ва жараёнлар тадқиқоти" фани, 5А130100-Математика мутахассислигининг "Оптимал бошқарув" фани ишчи ўқув дастурларига киритилган, ҳамда ушбу фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланилган, мазкур бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги битирувчилари битирув малакавий, магистрлик диссертация ишларини тайёрлашда қўлланилган. О. С. Зикировнинг "Математик физика тенгламалари" номли (ЎзР ОЎМТВ 2020 йил 4 февралдаги 89-03-448-сонли маълумотномаси) ўқув қўлланмасининг 5-§ параболик турдаги тенгламаларга қўйилган чегаравий масалаларнинг ечимини қуриш, 21-§ умумлашган ечимнинг хусусятларини ўрганиш имконини берган.

Параболик ва псевдо параболик тенгламалар билан боғланган жараёнларни чегаравий бошқариш ва бу масалаларга мос чегаравий масалалар ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги ҳақидаги натижалар асосида:

ФИЦ ИУ РАН ҳисоблаш марказининг ҳисоблаш усуллари ва математик физикаси бўлимининг ("РФА "Информатика ва бошқарув" Федерал тадқиқот маркази" Федерал давлат ташкилотининг 2020 йил 24 январдаги 1968-52-сонли маълумотномаси) илмий мавзулари назарий асослаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманларда, 6 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестатция комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йуналишларига мослиги кўрсатилган, хорижий ва маҳаллий илмий тадқиқотлар ҳақида умумий маълумот берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари белгиланган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти баён этилган, илмий-тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Ушбу ишнинг биринчи бобида бошқариш масалалари ҳақида маълумотлар, интеграл тенгламалар ечимларининг мавжудлиги, ягоналиги ва замонавий ечиш усуллари, параболик ва псевдо параболик тенгламалар учун чегаравий масалаларнинг ечимлари тўғрисидаги ёрдамчи далиллар келтирилган.

Ушбу ишнинг иккинчи бобида соҳа чегарасида Дирихле ёки Нейман шартларини қаноатлантирувчи иссиқлик алмашинув жараёнлари учун чегара назорати масалалари интеграл шарт остида тадқиқ этилади.

Биринчи параграфда қуйидаги муаммонинг математик модели ўрганилади:

2π узунликдаги бир жинсли стержен қаралади. Стерженнинг чап чегарасида манба мавжуд бўлиб унда регулятор жойлашган. Соҳанинг биринчи ярмида белгиланган ҳароратни таъминлаш учун иситгич режимини мувофиқлаштириш талаб қилинади. Ушбу муаммонинг математик моделини қуйидагича тасвирлаш мумкин**:**

Фараз қилайлик $u(x,t)$ функцияси ушбу тенгламани

$$u_t(x,t) = u_{xx}(x,t), \quad (t,x) \in D_T = \{0 < t < T, \quad -\pi < x < \pi\}, \tag{1}$$

бошланғич шартни

$$u\big|_{t=0} = 0, \quad x \in [-\pi, \pi], \tag{2}$$

чегаравий шартларни

$$u\big|_{x=-\pi} = \mu(t), \quad u\big|_{x=\pi} = 0, \quad t \in [0,T] \tag{3}$$

қаноатлантирсин.

Бошқариш функцияси $\mu(t)$ келишиш шарти

$$\mu(0) = 0, \tag{4}$$

ва чегараланганлик шартини

$$|\mu(t)| \le 1 \tag{5}$$

қаноатлантиради деб фараз қиламиз.

Масала. Берилган иссиқлик ҳолати функцияси $\theta(t)$ учун қуйидаги шартни қаноатлантирувчи

$$\int_{-\pi}^{0} u(x,t)dx = \theta(t), \quad t \ge 0 \tag{6}$$

бошқарув параметри $\mu(t)$ ни топинг.

Таъриф 1. (1)-(3) масаланинг ечими деб ушбу

$$u(x,t)=\mu(t)\frac{\pi-x}{2\pi}-v(x,t)$$

кўринишга эга бўлган $u(x,t)$ функцияга айтилади, бу ерда $v(x,t)$ функцияси қуйидаги тенгламани

$$v_t(x,t)-v_{xx}(x,t)=\mu'(t)\frac{\pi-x}{2\pi},$$

бир жинсли бошланғич ва чегаравий шартларни

$$v\big|_{t=0}=v\big|_{\partial D}=0,$$

қаноатлантирувчи $C([0,T]\to\tilde{W}_2^1(D))$ фазодаги умумлашган ечимдир, бу ерда $D=\left\{x:\ -\pi<x<\pi\right\}$.

Теорема 1. Шундай ўзгармас $M>0$ мавжудки $\theta\in W_2^2(-\infty,\infty)$ ва

$$\|\theta\|_{W_2^2(\mathbb{R})}\le M,\qquad t\le 0 \text{ бўлганда } \theta(t)=0$$

шартларни қаноатлантирувчи барча $\theta(t)$ функция учун (5) ва (6) шартларни қаноатлантирувчи бошқарув параметри $\mu(t)$ мавжуд.

Ушбу бобни иккинчи параграфида олдинги параграфда қаралган масала стерженнинг чап чегарасида иссиқлик оқими берилган ҳолда ўрганилади (стержен узунлиги π). Бу ҳолда масаланинг математик моделини қуйидагича шакллантириш мумкин:

Фараз қилайлик $u(x,t)$ функцияси (1) тенгламани $D_T=\left\{(x,t):0<x<\pi,\ 0<t<T<+\infty\right\}$ соҳада, бир жинсли бошлангич шарт (2) (бу ерда $u\big|_{t=0}=0,\quad x\in[0,\pi]$) ва

$$u_x\big|_{x=0}=-\mu(t),\qquad u_x\big|_{x=\pi}=0,\quad 0\le t\le T \tag{7}$$

чегаравий шартларни қаноатлантиради, бу ерда $\mu(t)$, $\mu(0)=0$ шартни қаноатлантирувчи номаълум функция.

Фараз қилайлик ушбу тенглик

$$\int_0^{\frac{\pi}{2}}u(x,t)dx=\theta(t) \tag{8}$$

ўринли бўлсин, бу ерда $\theta(t)$ -берилган функция.

Масала. (8) шартни қаноатлантирувчи $\mu(t)$ функциясини топинг.

Фараз қилайлик $v(x,t)$ функцияси қуйидаги масаланинг:

$$v_t(x,t)-v_{xx}(x,t)=-\frac{\mu(t)}{\pi}+\mu'(t)\frac{(\pi-x)^2}{2\pi},\quad (x,t)\in D_T=\left\{0<t<T,\ 0<x<\pi\right\} \tag{9}$$

бир жинсли бошланғич ва чегаравий шартлар билан

$$v\big|_{t=0}=0,\quad v_x\big|_{\partial D}=0 \tag{10}$$

$C([0,T]\to W_2^1(D))$ фазодаги умумлашган ечими бўлсин.

Таъриф 2. $W_2^{1,0}(D_T)$ фазога тегишли ва қуйидаги интеграл кўринишдаги айниятни

$$\int_{D_T}(-v\eta_t+v_x\eta_x)dxdt=\int_{D_T}(-\frac{\mu(t)}{\pi}+\mu'(t)\frac{(\pi-x)^2}{2\pi})\eta(x,t)dxdt\ , \tag{11}$$

қаноатлантирувчи $v(x,t)$ функциясига (9)-(10) масаланинг $W_2^{1,0}(D_T)$ фазодаги умумлашган ечими деб айтилади, бу ерда $\forall\eta\in W_2^1(D_T)$, $\eta(t)$ $t=T$ нольга тенг.

Теорема 2. Шундай узгармас $M>0$ сон мавжудки $\|\theta(t)\|_{W_2^2(R)}\le M$ ва барча $t\le 0$ ларда $\theta(t)=0$ бўладиган ва $W_2^2(-\infty,+\infty)$ фазога тегишли бўлган $\theta(t)$ функциялар учун (8) ва $\mu(0)=0$ шартларни қаноатлантирадиган $\mu(t)\in W_2^1(R)$ бошқарув параметри мавжуд.

Кейинги параграфда қуйидаги иссиқлик алмашинув жараёни учун чегаравий бошқариш масаласи қаралади:

$D=\{(x,y)\in R^2:|x|<\pi,|y|<\pi\}$ соҳанинг чегарасида ҳароратни бошқарадиган иситгич мавжуд. Берилган D соҳанинг бир қисмида иссиқликнинг ўртача қийматини таминлайдиган чегарадаги иситгич режимини топиш талаб қилинади.

Фараз қилайлик $u(x,y,t)$ функция қуйидаги тенгламани

$$u_t=u_{xx}+u_{yy},\quad (x,y,t)\in D_T=\{0<t<T,\ |x|<\pi,|y|<\pi\}, \tag{12}$$

бошланғич ва чегаравий шартларни

$$\begin{cases} u|_{t=0}=0,\ \ -\pi\le x,y\le\pi; \\ u|_{x=\pi}=0,\ \ 0\le t\le T,-\pi\le y\le\pi; \\ u|_{y=\pi}=0,\ \ 0\le t\le T,-\pi\le x\le\pi; \\ u|_{y=-\pi}=0,\ \ 0\le t\le T,-\pi\le x\le\pi; \\ u|_{x=-\pi}=\mu(t)\Phi(y),\ \ 0\le t\le T,-\pi\le y\le\pi; \\ \Phi(-\pi)=\Phi(\pi)=0 \end{cases} \tag{13}$$

қаноатлантиради. Бу ерда $\Phi(y)$ – берилган функция (иситгичнинг ёки кондиционернинг чизиқли зичлиги), $\mu(t)$ – бошқарув параметри, иссиқ ёки совуқ ҳаво оқимининг амплитудасини беради.

Масала.

$$\int_{-\pi}^{0}\int_{-\pi}^{0}u(x,y,t)dxdy=\theta(t) \tag{14}$$

шартни қаноатлантирувчи $\mu(t)$ бошқарув параметрини топинг, бу ерда $\theta(t)$ берилган функция.

Таъриф 3. (12)-(13) масаланинг ечими деб ушбу кўринишдаги

$$u(x,y,t)=\mu(t)\Phi(y)\frac{\pi-x}{2\pi}-v(x,y,t)$$

$u(x,y,t)$ функцияни тушунамиз, бу ерда $v(x,y,t)$ қуйидаги масаланинг $C([0,T]\to\tilde{W}_2^1(D))$ фазодаги умумлашган ечимидир:

$$v_t(x,y,t)-\Delta v(x,y,t)=\left[\mu'(t)\Phi(y)-\mu(t)\Phi''(y)\right]\frac{\pi-x}{2\pi},$$

бир жинсли бошланғич ва чегаравий шартлар:

$$v\big|_{t=0} = v\big|_{\partial D} = 0,$$

бу ерда $D = \{(x, y): |x| < \pi, |y| < \pi\}$.

Лемма 1. Фараз қилайлик $\mu(t)$ ва $\Phi(y)$ функциялар қуйидаги шартларни қаноатлантирсин:

1) $\mu \in W_2^1(\mathbb{R}), \quad \mu(0) = 0$,

2) $\Phi \in W_2^2[-\pi, \pi]$ ва $\Phi(-\pi) = \Phi(\pi)$.

У ҳолда (12)-(13) масала ечими ягона ва у қуйидаги кўринишга эга

$$u(x, y, t) = \int_0^t \mu(\tau) \sum_{n,m=1}^{\infty} \frac{n}{2\pi} e^{-(\frac{n^2+m^2}{4})(t-\tau)} \Phi_m \sin\frac{n(x+\pi)}{2} \sin\frac{m(y+\pi)}{2} d\tau,$$

бу ерда

$$\Phi_m = \frac{1}{\pi} \int_{-\pi}^{\pi} \Phi(y) \sin\frac{m(y+\pi)}{2} dy, \qquad m = 1, 2, 3, \ldots.$$

Теорема 3. Фараз қилайлик $\Phi(y)$ функция $\Phi \in W_2^2[-\pi, \pi]$ айнан нольга тенг эмас ва $\Phi_m \geq 0,\ m = 1, 2, 3, \ldots$. У ҳолда шундай ўзгармас $M > 0$ топиладики барча $\theta \in W_2^2(-\infty, \infty)$ қуйидаги шартни $\|\theta\|_{W_2^2(\mathbb{R})} \leq M$, барча $t \leq 0$ да $\theta(t) = 0$ қаноатлантирувчи $\theta(t)$ функциялар учун (14) шартни қаноатлантирувчи бошқариш параметри $\mu(t)$ мавжуд.

Учинчи боб Дирихле ёки Нейман шартлари соҳа чегарасида бажарилганда псевдо параболик тенгламанлар билан боғланган жараёнларни чегаравий бошқариш масалаларини интеграл шаклдаги шартлар остида ўрганишга бағишланган.

Биринчи параграфда бир ўлчовли соҳада псевдо параболик тенглама билан боғлиқ бўлган чегаравий бошқариш масаласи интеграл шаклдаги шарт остида тадқиқ этилади.

Чегараланган соҳа $D_T = \{(x,t): -\pi < x < \pi, 0 < t < T < +\infty\}$ да ушбу тенгламани

$$u_t = u_{txx} + u_{xx} \tag{15}$$

бошланғич шартни

$$u\big|_{t=0} = 0, \quad x \in [-\pi, \pi] \tag{16}$$

ва чегаравий шартларни

$$u\big|_{x=-\pi} = \mu(t), \quad u\big|_{x=\pi} = 0,\ t \in [0, T] \tag{17}$$

қаноатлантирадиган $u(x,t)$ функцияни қараймиз.

Масала.

$$\int_{-\pi}^{0} u(x,t)dx = \theta(t) \tag{18}$$

тенгликни, $\mu(0) = 0$ ва

$$|\mu(t)| \leq 1 \tag{19}$$

шартларни қаноатлантирувчи $\mu(t)$ бошқарув параметрини топинг.

Таъриф 4. (15)-(17) масаланинг ечими деб ушбу кўринишдаги

$$u(x,t) = \mu(t)\frac{\pi - x}{2\pi} - v(x,t)$$

функцияга айтилади, бу ерда $v(x,t)$ функция қуйидаги масаланинг

$$v_t(x,t) - v_{xxt}(x,t) - v_{xx}(x,t) = \mu'(t)\frac{\pi - x}{2\pi}, \quad (x,t)\in D_T, \tag{20}$$

бир жинсли бошланғич ва чегаравий шартлар билан

$$v\big|_{t=0} = v\big|_{\partial D} = 0 \tag{21}$$

$C([0,T]\to \tilde{W}_2^1(D))$ фазодаги умумлашган ечимидир.

Таъриф 5. (20)-(21) масаланинг $W_2^{1,0}(D_T)$ (ёки $\overset{\circ}{W}{}_2^{1,0}(D_T)$)даги умумлашган $v(x,t)$ ечими деб $\overset{\circ}{W}{}_2^{1,0}(D_T)$ фазога тегишли ва қуйидаги айниятни

$$\int_{D_T}(-v\eta_t + v_x\eta_x - v_x\eta_{xt})dxdt = \int_{D_T}\mu'(t)\frac{(\pi - x)}{2\pi}\eta(x,t)dxdt$$

қаноатлантирувчи $v(x,t)$ функцияга айтилади, бу ерда $\forall\eta\in W_{2,0}^1(D_T)$, $\eta_{xt}\in L_2(D_T)$ ва $\eta(x,T)=0$.

Лемма 2. Фараз қилайлик функция $\mu(t)$ қуйидаги шартларни қаноатлантирсин: $\mu\in W_2^1(\mathbb{R}),\quad \mu(0)=0$. У ҳолда (15)-(17) масаланинг ечими мавжуд, ягона ва ушбу кўринишга эга

$$u(x,t) = \frac{2}{\pi}\int_0^t\sum_{k=1}^{\infty}\frac{1}{kq_k}e^{-q_k(t-\tau)}(\mu(\tau)+\mu'(\tau))\sin\left(\frac{k}{2}(x+\pi)\right)d\tau, \quad k=1,2,\dots,$$

бу ерда $q_k = (k/2)^2/(1+(k/2)^2), \quad k=1,2,\dots$.

Теорема 4. Шундай ўзгармас $M>0$ сони топиладики барча $\theta\in W_2^1(-\infty,\infty)$ ва

$$\|\theta\|_{W_2^1(\mathbb{R})}\le M, \qquad \theta(t)=0 \quad t\le 0 \text{ да}$$

шартларни бажарувчи $\theta(t)$ функцияси учун

$$\int_{-\pi}^{0}u(x,t)dx = \theta(t)$$

тенгликни қаноатлантирувчи $\mu(t)$ бошқариш параметри мавжуд.

Ушбу бобнинг кейинги параграфи соҳа чегарасида Дирихле шарти бажарилганда псевдо параболик тенглама билан боғлиқ чегаравий бошқариш масаласи интеграл кўринишдаги чегаралаш билан ўрганилган.

Фараз қилайлик $u(x,y,t)$ функция ушбу тенгламани

$$u_t = \Delta u_t + \Delta u,\ (t,x,y)\in D_T = \{0<t<T, -\pi<x,y<\pi\}, \tag{22}$$

бошланғич шартни

$$u\big|_{t=0} = 0,\ -\pi\le x,y\le\pi \tag{23}$$

ва чегаравий шартларни

$$\begin{cases} u\big|_{x=\pi} = 0, \quad u\big|_{x=-\pi} = \mu(t)\Phi(y),\ 0\le t\le T, -\pi\le y\le\pi; \\ u\big|_{y=-\pi} = 0,\ u\big|_{y=\pi} = 0,\ 0\le t\le T, -\pi\le x\le\pi; \\ \Phi(-\pi) = \Phi(\pi) = 0 \end{cases} \tag{24}$$

қаноатлантиради.

Хотираси сўнувчи сиқилмайдиган оддий суюқликлар назариясининг моделларидан бирини (15) тенглама билан тасвирлаш мумкин (бунга Г. И. Баренблат, Ю. П. Желтов, И. Н. Кочина, B. D. Coleman, W. Noll, D. W. Taylor ларнинг ишларини мисол қилиб келтириш мумкин). B. D. Coleman, R. J.

Duffin, V. J. Mizel, D. Colton, R. E. Showalter, T. W. Ting ишларида (15) тенглама учун баъзи классик масалалар ечимининг турғунлиги, мавжудлиги ва ягоналиги ҳақидаги муаммолар ўрганилган. С. И. Ляшко, А. А. Маньковский ишларида параболик ва псевдо параболик тенгламалар учун нуқтали бошқариш масаласи қаралган.

Таъриф 6. (22)-(24) масаланинг ечими деб қуйидаги шаклда

$$u(x,y,t)=\mu(t)\phi(y)\frac{\pi-x}{2\pi}-v(x,y,t),$$

ифодаланган $u(x,y,t)$ функцияни тушунамиз, бу ерда $v(x,y,t)$ функция қуйидаги масаланинг:

$$v_t(x,y,t)\;-\;\Delta v_t(x,y,t)-\Delta v\;(x,y,t)\;=(\mu'(t)\phi(y)-\mu'(t)\phi''(y)-\mu(t)\phi''(y))\frac{\pi-x}{2\pi},\qquad(25)$$

$(x,y,t)\in D_T,$

бир жинсли бошланғич ва чегаравий шартли:

$$v\big|_{t=0}=v\big|_{\partial D}=0\qquad(26)$$

$C([0,T]\to\tilde{W}_2^1(D))$ фазодаги умумлашган ечимидир.

Таъриф 7. (25)-(26) масаланинг $W_2^{1,0}(D_T)$ (ёки $\overset{\circ}{W}{}_2^{1,0}(D_T)$) фазодаги умумлашган ечими деб $\overset{\circ}{W}{}_2^{1,0}(D_T)$ га тегишли ва қуйидаги айниятни

$$\begin{aligned}&\int\limits_{D_T}(-v\eta_t+v_x\eta_x-v_x\eta_{xt}+v_y\eta_y-v_y\eta_{yt})dxdydt=\\&=\int\limits_{D_T}(\mu'(t)\phi(y)-\mu'(t)\phi''(y)-\mu(t)\phi''(y))\frac{\pi-x}{2\pi}\eta(x,y,t)dxdydt,\end{aligned}\qquad(27)$$

бу ерда $\forall\eta\in W_{2,0}^1(D_T)$, $\eta_{xt},\,\eta_{yt}\in L_2(D_T)$ ва $\eta(T)=0$, қаноатлантирадиган $v(x,y,t)$ функцияга айтилади.

Лемма 3. Фараз қилайлик $\mu(t)$ ва $\phi(y)$ функциялар қуйидаги шартларни қаноатлантирсин:

1) $\mu\in W_2^1(\mathbb{R}),\quad \mu(0)=0$;
2) $\phi(y)\in W_2^2[-\pi,\pi]$ ва $\phi(-\pi)=\phi(\pi)$.

У ҳолда (22)-(24) масала ягона ечимга эга ва у қуйидагича ифодаланади

$$u(x,y,t)=\frac{1}{2\pi}\int\limits_0^t\sum_{n,m=1}^{\infty}\frac{n\,e^{-q_{nm}(t-\tau)}}{1+\lambda_{nm}}\{\mu(\tau)+\mu'(\tau)\}d\tau\,\phi_m\sin\left(\frac{n}{2}(x+\pi)\right)\sin\left(\frac{m}{2}(y+\pi)\right),$$

бу ерда $q_{nm}=\lambda_{nm}/(1+\lambda_{nm}),\quad \lambda_{nm}=\left(n/2\right)^2+\left(m/2\right)^2,\;\; n.m=1,2,\,\ldots\,,$

$$\phi_m=\frac{1}{\pi}\int\limits_{-\pi}^{\pi}\phi(y)\sin\left(\frac{m(y+\pi)}{2}\right)dy,\;\; m=1,2,\ldots\,.$$

Масала. Берилган $\theta(t)$ функцияси бўйича

$$\int\limits_{-\pi}^{0}\int\limits_{-\pi}^{0}u(x,y,t)dxdy=\theta(t),\;\; t>0\qquad(28)$$

тенгликни қаноатлантирувчи $\mu(t)$ бошқариш параметрини топинг.

Теорема 5. Фараз қилайлик $\Phi\in W_2^2\left[-\pi,\pi\right]$ функцияси нольга айнан тенг бўлмасин ва $\Phi_m\geq0,\; m=0,1,2,....$ шартни қаноатлантирсин. У ҳолда шундай узгармас $M>0$ топиладики, $t\le 0$ да $\theta(t)=0$ шартларни қаноатлантирувчи ихтиёрий $\theta(t)\in W_2^1(-\infty,+\infty)$ учун (28) шартни қаноатлантирувчи $\mu(t)$ бошқарув параметри мавжуд.

Учинчи параграфда псевдо параболик тенглама билан боғланган, соҳа чегарасида ечимнинг ҳосиласи берилганда чегаравий бошқариш масаласи ўрганилган.

Фараз қилайлик $u(x,t)$ функцияси (15) тенгламани, (16) бошланғич шартни ва қуйидаги чегаравий шартларни қаноатлантирсин

$$u_x\big|_{x=-\pi}=-\mu(t),\ u_x\big|_{x=\pi}=0,\ 0\le t\le T. \tag{29}$$

Масала.

$$\int_{-\pi}^{0}u(x,t)dx=\theta(t),\ \ t>0 \tag{30}$$

тенгликни, $\mu(0)=0,\ \|\mu(t)\|\le 1$ шартларни қаноатлантирувчи $\mu(t)$ бошқарув параметрини топинг.

Теорема 6. Шундай узгармас $M>0$ сон мавжудки $\|\theta(t)\|_{W_2^1(R)}\le M$ ва барча $t\le 0$ ларда $\theta(t)=0$ бўладиган ва $W_2^1\left(-\infty,+\infty\right)$ фазога тегишли бўлган $\theta(t)$ функциялар учун (30) тенгликни қаноатлантирадиган $\mu(t)$ бошқариш параметри мавжуд.

Тўртинчи параграфда псевдо параболик тенглама билан боғлиқ бўлган қуйидаги масала ўрганилади. $D=\left\{(x,y)\in R^2:|x|<\pi,|y|<\pi\right\}$ соҳа чегарасини бир қисмида масала ечими ҳосиласида бошқарув параметри жойлаштирилган. Соҳанинг маълум бир қисмида ечимнинг ўртача қийматини таъминлайдиган чегаравий бошқарув параметрини топиш талаб қилинади.

Фараз қилайлик $u(x,y,t)$ функция (22) тенгламани, (23) бошланғич шартни ва қуйидаги чегаравий шартни

$$\begin{cases} u_x\big|_{x=\pi}=0,\ u_x\big|_{x=-\pi}=-\mu(t)\phi(y),\ 0\le t\le T,\ |y|\le\pi; \\ u_y\big|_{y=\pi}=0,\ u_y\big|_{y=-\pi}=0,\ 0\le t\le T,\ |x|\le\pi; \\ \Phi(-\pi)=\Phi(\pi)=0 \end{cases} \tag{31}$$

қаноатлантиради, бу ерда

$$\vartriangle u=u_{xx}+u_{yy},\ \ \vartriangle u_t=\frac{\partial\vartriangle u}{\partial t},$$

$\phi(y)$ берилган функция, $\mu(t)$-бошқарув параметри.

Таъриф 8. (22), (23), (31) масаланинг ечими деб қуйидаги шаклда

$$u(x,y,t)=\mu(t)\phi(y)\frac{\pi-x}{2\pi}-v(x,y,t)$$

ифодаланган $u(x,y,t)$ функцияни тушинамиз, бу ерда $v(x,y,t)$ функция қуйидаги масаланинг

$$v_t(x,y,t)\ -\ \Delta v_t(x,y,t)-\Delta v\ (x,y,t)\ =(\mu'(t)\phi(y)-\mu'(t)\phi''(y)-\mu(t)\phi''(y))\frac{\pi-x}{2\pi}, \tag{32}$$

$(x,y,t)\in D_T$,

бир жинсли бошланғич ва чегаравий шартлар билан:

$$v\big|_{t=0} = v\big|_{\partial D} = 0 \qquad (33)$$

$C([0,T] \to \tilde{W}_2^1(D))$ фазодаги умумлашган ечимидир.

Таъриф 9. Функция $v(x,y,t)$ (32)-(33) масаланинг $W_2^{1,0}(D_T)$ (ёки $\overset{\circ}{W}{}_2^{1,0}(D_T)$) фазодаги умумлашган ечими дейилади, агарда $v(x,y,t)$ тўпламга $\overset{\circ}{W}{}_2^{1,0}(D_T)$ тегишли бўлиб, қуйидаги интеграл айниятни

$$\int_{D_T} (-v\eta_t + v_x\eta_x - v_x\eta_{xt} + v_y\eta_y - v_y\eta_{yt})dxdydt =$$

$$= \int_{D_T} (\mu'(t)\phi(y) - \mu'(t)\phi''(y) - \mu(t)\phi''(y))\frac{\pi - x}{2\pi}\eta(x,y,t)dxdydt$$

қаноатлантирса, бу ерда $\forall \eta \in W_{2,0}^1(D_T)$, $\eta_{xt}, \eta_{yt} \in L_2(D_T)$ ва $\eta(x,y,T) = 0$.

Масала. Ечимнинг ўртача қиймати $\theta(t)$ функция берилганда,

$$\int_{-\pi}^{0}\int_{-\pi}^{0} u(x,y,t)dxdy = \theta(t), \quad t > 0$$

тенгликни қаноатлантирувчи бошқарув параметри $\mu(t)$ ни топинг.

Теорема 7. Фараз қилайлик $\Phi \in W_2^2[-\pi,\pi]$ функцияси нольга айнан тенг бўлмасин ва $\Phi_m \geq 0,\ m = 0,1,2,\ldots.$ шартни қаноатлантирсин. У ҳолда шундай узгармас $M > 0$ топиладики, $\|\theta(t)\|_{W_2^1(R)} \leq M$, $t \leq 0$ да $\theta(t) = 0$ шартларни қаноатлантирувчи ихтиёрий $\theta(t) \in W_2^1(-\infty,+\infty)$ учун

$$\int_{-\pi}^{0}\int_{-\pi}^{0} u(x,y,t)dxdy = \theta(t), \quad t > 0$$

шартни қаноатлантирувчи $\mu(t)$ бошқарув параметри мавжуд.

Хулоса

Хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар ва уларнинг системаси билан тавсифланган жараёнларни чегаравий бошқариш масалалари назариясида асосий муаммолардан бири бошқариш параметрининг мавжудлигини исботлашдир.

Тадқиқотнинг асосий натижалари:

1. Соҳа стержен ва пластинка бўлганда Дирихле ёки Нейман шартлари остида иссиқлик алмашинуви жараёни ечимларининг кўриниши топилган, уларнинг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган.
2. Бир ва икки ўлчовли соҳаларда псевдо параболик тенгламалар учун қуйилган биринчи ва иккинчи тур чегаравий масалалар ечимларининг кўринишлари топилган, мавжудлиги ва ягоналиги исботланган.
3. Бир ўлчовли соҳанинг чегарасида Дирихле ёки Нейман шартлари билан берилган иссиқлик алмашинув жараёнини чегаравий бошқариш масаласи ечимининг мавжудлиги ҳақидаги теорема ҳароратнинг ўртача қийматини соҳанинг бир қисмида бўлишини таъминлаган ҳолда исботланган
4. Икки ўлчовли соҳанинг чегарасида Дирихле шартлари берилганда иссиқлик алмашинув жараёнини чегаравий бошқариш масаласи ечими мавжудлиги ҳақидаги теорема қўшимча шарт интеграл кўринишда берилганда исботланган.
5. Дирихле (Нейман) чегаравий шартлари ва интеграл чекловлар билан берилган псевдо параболик тенгламалар билан ифодаланган жараёнлар учун бир ва икки ўлчовли ҳолларда чегаравий бошқариш масалалари ечимлари мавжудлиги ҳақидаги теоремалар исботланган.

Бошқариш назарияси асосида олиб борилган ушбу иш натижаларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, ушбу муаммолар бўйича маълум шароитларда параболик тенгламалар билан боғлиқ жараёнлар учун чегаравий назоратни амалга ошириш мумкин.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ФАЯЗОВА ЗАРИНА КУДРАТИЛЛОЕВНА

ГРАНИЧНОЕ УПРАВЛЕНИЕ ПРОЦЕССАМИ, СВЯЗАННЫМИ С УРАВНЕНИЯМИ ПАРАБОЛИЧЕСКОГО ТИПА.

01.01.02- Дифференциальные уравнения и математическая физика

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.3.PhD/FM274.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (http://ik-fizmat.nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	академик **Алимов Шавкат Арифджанович**
Официальные оппоненты:	**Дурдиев Дурдимурод Қаландарович,** доктор физико-математических наук, профессор (БухГУ)
	Хасанов Акназар Бектурдиевич, доктор физико-математических наук, профессор (СамГУ)
Ведущая организация:	**Институте математики имени В.И.Романовского АН РУз**

Защита диссертации состоится «____» _____________2020 года в ____ часов на заседанииНаучного совета ___________________ при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №_____). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан «____» _______________2020 года.

(протокол рассылки №________ от «____» _______________2020 года).

Академик А.С. Садуллаев
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,

Н.К. Мамадалиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д. ф. ф.-м. н.

Академик А.А. Азамов
Зам Председателя научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Многие научные и практические исследования на мировом уровне, во многих случаях, сводятся к изучению теории управления системами описываемыми уравнениями математической физики. Научно прикладные исследования могут быть сведены к задачам управления различными системами. Математические модели некоторых проблем физики и техники описывают процессы, в которых надо так управлять процессом, чтобы получить определенные значения параметра. В качестве примера можно привести задачи управления теплообмена или волновых процессов. В случае волновых процессов нужно управлять параметром волн на части границы области, чтобы достичь определенной формы волны в некоторой части заданной области. В случае теплообмена нужно управлять параметром температуры на части границы области, чтобы достичь заданной средней температуры в некоторой части области. Поэтому задачи граничного управления являются как теоретически, так и практически актуальными и считаются одним из актуальных направлений современной математики.

В натоящее время одной из актуальных проблем математической физики является граничное управление. Изучение граничных задач тесно связано с обратными и некорректными задачами математической физики, поэтому они также сводятся к исследованию интегральных уравнений Фредгольма или Вольтерра (чаще к уравнению Вольтерра первого рода). В последнее время управления процессами теплообмена с различных точек зрений интенсивно развиваются, так как они тесно связаны с задачами приложения, поэтому исследования граничных задач управления процессами теплообмена являются актуальными, как с точки зрения теории, так и приложения.

В нашей стране особое внимание было уделено актуальным направлениям математической физики и оптимального управления, которые имеют научное и практическое применение в фундаментальных науках. В частности, особое внимание было уделено изучению вопросов оптимального управления и теории игр. Значительные результаты были получены в теории управления процессами описываемыми обыкновенными дифференциальными уравнениями и их системами, дифференциальными уравнениями в частных производных и их системами. "Проведение научных исследований на уровне международных стандартов по приоритетным направлениям математических наук в области функционального анализа, дифференциальных уравнений и математической физики являются основными задачами и направлениями"[1]. При исполнении этого постановления важное значение имеет развитие решения краевых задач для дифференциальных уравнений и уравнений математической физики.

---

[1] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии Наук Республики Узбекистан»

Настоящая диссертация в определенной степени служит осуществлению задач, обозначенных в Постановлениях Президента РУз, №-ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, №-ПП-3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» от 5 июня 2018 года, а также в других нормативно-правовых актах по данной деятельности.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика, информатика».

